

Стифлос препаратининг қуруқ экстрактини микробиологик фаоллигини ўрганиш.

С.Г. Атаулаева, И.Х.Рустамов

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш, Ўзбекистон Республикаси.

Изланишдан мақсад: инсон организмига салбий таъсир этмайдиган, биосамарадорлиги юқори бўлган дори турлирини яратиш, уларни микробиологик фаоллигини ўрганишдир.

Материаллар ва текшириш усуллари: маълумки кейинги йилларда сунний, яъни синтетик йўллар билан тайёрланган дориларга талаб камайиб бормоқда, доривор ўсимлик хом ашёлардан тайёрланган дори-дармонларга эҳтиёж ошиб бормоқда. Ўсимликлардан тайёрланган дори-дармон сунний дориларга нисбатан бир қатор устунликларга эга. Доривор йиғмалар ва чойлар маълум бир касалликни даволашга мўлжалланган бир нечта доривор ўсимликларнинг йирик, майдаланган маҳсулотларнинг аралашмасидир.

«Стифлос» пешоб ҳайдовчи хусусиятга эга бўлган йиғмани микробиологик фаолияти ўрганиб чиқилди. Стифлос препаратининг қуруқ экстракти таркибида тубулға баргли бўймадарон гули, маккажўхори оналик устунчаси билан оғизчасидан ташкил топган. Тажрибада препаратнинг қуруқ экстрактининг микробларга қарши фаоллиги серияли суюлтириш ва агарда диффузиялаш усулларида аниқланди. Агарда диффузиялаш усулида ўрганилаётган препаратнинг микробларга қарши таъсири петри косачасидаги озуқа муҳитида ўсаётган микроорганизмларнинг ўсиш даражасига, серияли суюлтириш усулида эса микроб штаммларининг препаратнинг ҳар хил концентрацияларида турли хил ўсишини тўхтатишига қараб хулоса қилинди. Текшириш патоген ва шартли патоген микроорганизмларда: *Stafilococcus aureus*, *Esherichia coli*, *Pseudomonas aeruginosae*, *Bacillus cereus*, *Salmonella typhimurium* ва *Candida albicans* да аниқланди. Препаратни серияли суюлтириш 1:2, 1:4, 1:8 нисбатда олиб борилди.

Натижа: Тажрибада агарда диффузиялаш усулида текширилганда модда шартли патоген ва патоген микроорганизмларга бактерицид таъсирга эга эмаслиги кўринди. Лекин бактериостатик таъсири *Stafilococcus aureus*, *Esherichia coli*, *Pseudomonas aeruginosae* ва *Salmonella typhimurium* ларга нисбатан суст сезилди. Серияли суюлтириш усулида текширилганда ҳам худди шундай натижа олинди. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, стифлос препаратининг қуруқ экстракти текшириб кўрилган микроорганизм штаммларидан фақат грамм (+) ва грамм (-) бактерияларга суст бактериостатик таъсирга эга. *Candida albicans* га ҳеч қандай таъсири сезилмади.